



ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЛИНГВОДИДАКТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ УКИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Кадилова Гўзал Гулямовна

Бухоро психология ва хорижий тиллар институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13735079>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01- September 2024 yil
Ma'qullandi: 05- September 2024 yil
Nashr qilindi: 09- September 2024 yil

KEYWORDS

лингводидактик, таълим,
технология, тафаккур,
ривожлантириш,
муаммолар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада тиббиёт ОТМ талабаларига чет тилларини ўқитиш сифатини баҳолаш индекаторларини шакллантириш масаласи, хусусан, инглиз тилини ўқитиш жараёнини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари масаласи таҳлили баён қилинган.

Таълим тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида узлуксиз таълимда чет тилларни самарали ўқитиш тизими жорий этилди. Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда бугунги кунда инглиз тилини самарали ва тизимли ўқитиш сифатини ошириш зарурати мавжуд. Ҳатто Болонья конвенцияси доирасида ҳам халқаро таълимий дастурлар қамровининг жадаллик билан ортиб бориши замонавий шароитда талабадан инглиз тилини нафақат касбий нуқтаи назардан, балки мулоқотнинг академиксоҳаси сифатида фойдаланиш кўникмасига эга бўлишни талаб этади.

Дунёда рўй бераётган ўзгаришлар ва Президентнинг 2017 йилдаги олий таълимни ислоҳ этиш тўғрисидаги қарори таълимда "сўнгги инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш" ва АКТ (Ахборот ва Коммуникация Технологиялари) ни самарали қўллашни тақозо этади. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида АКТдан фойдаланиш бугунги кунда TELL (Technology Enhanced Language Learning) деб кенг тарқалган соҳа сифатида маълумдир. Ушбу интеграция ахборот ва коммуникация инқилобининг бир қисмидир ва бу ўз навбатида мамлакатларга глобаллашган дунёда фаол иштирокчи бўлишларига ёрдам беради. АКТ эса, бир вақтнинг ўзида ўқитиш методига, қўлланиладиган ресурсларга ва баҳолашга сезиларли таъсир кўрсатади.

Олий таълим муассасалари фанга АКТни кенг қўллашда вақт ва ресурсларнинг етарли эканлигини инобатга олиш керак бўлади. Бунда АКТни самарали қўллашда қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши мумкин:

1. Ўқитиш методи ва ўқитувчининг роли:

- ўқитувчилар кўпроқ фасилитатор ролини бажарадилар;
- талабаларни мустақил таълим орқали автономлигини оширишни

рағбатлантириш Flipped ёндашувга асосланган таълимни қўллаш, масалан талабалар дарсга келишдан олдин янги мавзу билан онлайн танишиб, аудиторияда билимларини янада мустаҳкамлашлари керак бўлади;

- талабалар мустақил тарзда онлайн изланиш ва тадқиқот олиб борадилар;

- талабалар томонидан ўз электрон-техник қурилмаларини дарсда қўллай олишимконияти мавжуд бўлади.

2. Ўқув материалларининг таъсири:

- интернетда турли соҳаларда инглиз тилини ўқитиш учун мўлжалланган аъло даражадаги манба ва материаллар тавсия қилинганлигини инобатга олиб, ушбу манбалардан фойдаланиш учун ўқитувчиларнинг интернетдан фойдалана олиш имкониятлари кенг бўлади;

- манбалар, ўқув материаллари ва дарс ишланмаларининг самарали сақланиш тизими яратилади;

- ўқитувчи ва талабаларнинг аутентик материаллардан фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш бўйича қўшимча тренинглар ташкил қилинади.

Тиббиёт ОТМларида имкони борица ўқитувчи аутентик (хаётий, реал) материаллардан фойдаланиши тавсия этилади. Аутентик материаллар юқорида келтирилган матн турларига мос келиши лозим. Ушбу материалларни интернет орқали ва маҳаллий меҳмонхона ва киоск каби жойлардан топиш мумкин. Қуйида келтирилган оммавий ресурслар ва чоп этилган манбалар ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш сифатини такомиллаштириш қуйидаги омиллар билан бевосита боғлиқдир:

- 1) инглиз тилини биладиган юқори малакали янги авлод мутахассисларига эҳтиёжнинг ошиб бориши;

- 2) олий таълим муассасасига қабул қилинган биринчи курс талабаларининг инглиз тили бўйича саводхонлиги пастлиги;

- 3) талабаларнинг ўзга тилга хос коммуникатив компетенцияларни турли даражада ўзлаштирганлиги;

- 4) ўзга тилга хос коммуникатив компетенцияларни ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув-методик индивидуаллигини таъминлашга

йўналтирилган ўқув адабиётларининг етарли эмаслиги ва ҳ.к.

Хулоса. Талабаларнинг ўзга тилга хос коммуникатив компетенцияларни ўзлаштириш жараёнини интерактив дастурий воситалар ёрдамида амалга ошириш юқори интеллектуал куч ва ўз-ўзини ташкил этиш лаёқатини таркиб топтиришни талаб этади.

Талабаларнинг ўзга тилга хос коммуникатив компетенцияларни ўзлаштириш жараёнини дивергент назорат қилиш таълим олувчига коммуникатив вазибаларни ҳал этишнинг ягона вариантини эмас, балки ечимларнинг турли йўллариини излаш ва ўзининг бир нечта индивидуал жавобларини тақдим этиш имкониятини тақдим этиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Таклифлар. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг инглиз тилларни ўрганиш жараёнида ижодий фаоллигини ривожлантириш ва ўқитиш

сифатини баҳолашучун куйидаги шароитларни амалга ошириш зарур:

- коммуникатив-таълимий муҳитни юзага келтириш;
- таълим жараёнида талабалар мотивациясини кучайтириш;
- талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш;
- ўқув машғулотларида замонавий интерфаол методлар, технологияларнинг доимий қўлланилиши;
- ўқув машғулотларининг дидактик воситалар мажмуаси билан жиҳозланган ўқувхоналарда олиб борилиши;
- тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг ижоди фаоллигини ривожлантириш босқичларининг мавжудлиги.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4199-сон қарори.
2. Лелюшкина К.С. Инновационное направление в обучении иноязычному общению. // Вестник ТГПУ, Томск, 2009, вып. 7, No85. – С.145.
3. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход. – М., 1991. – С.208.
4. Kadyrova , G. . (2023). THROUGH THE DEVELOPMENT OF LINGUISTIC DIDACTIC THINKING EFFECTIVENESS OF ENGLISH LEARNING IN STUDENTS IMPROVEMENT. Евразийский журнал академических исследований, 3(7), 204–209. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/19237>. DOI:<https://doi.org/10.5281/zenodo.8210349>
5. Kadyrova , G. . (2023). THROUGH THE DEVELOPMENT OF LINGUISTIC DIDACTIC THINKING EFFECTIVENESS OF ENGLISH LEARNING IN STUDENTS IMPROVEMENT. Евразийский журнал академических исследований, 3(7), 204–209. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/19237>
6. DOI:<https://doi.org/10.5281/zenodo.8210349>
7. 6.Кадирова , . Г. . (2023). ЛИНГВО ДИДАКТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРКАЛИ ТАЛАБАЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ УКИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Инновационные исследования в современном мире: теория и практика, 2(15), 91–95. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/zdit/article/view/13662>